









Ясавий Шарқда «Пир Туркистоний», «Шайхул маъшум» каби сифатлари билан машҳур. У зотда унинг кўпроқ «Хаарати султоним» деб атайдилар. Туркиялик ҳамкасбларимиз эса «ахлоқимиз меъморини», «миллатнинг муҳри» дея таъриф этадилар. Дарҳақиқат, туркий оламни унингиса тасаввур қилиб бўлмайди.

Бироқ не ҳолики, биз сўнгги 130 йил унингиса яшадик. Фитрат 1917 йилда ёгандек динимиз бузилди, миллатимиз емирилди. Бу иш онгли, режали, тадрижий равишда олиб борилди. Энди уларни тикламоқ керак. Тиклаш бузишдан ҳаммиш қийин. Шу жиҳатдан биз, ота-боболаримизни асарлар давомиде яхши маърифат ва ахлоқ руҳида тарбиялаб келган Аҳмад Ясавийни қарашларимизда, ҳикматларига, маънавий оламига муҳтожми. Чунки бу олам асарлар оша маънавиятимизга таянч, ахлоқимизга дастур бўлиб келган эди. Биргина ахлоқимизда, турмушимизда эмас, керак бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз-

да ҳам. Бугун «порлоқ коммунизм»нинг иниси чиқиб, «коммунистик ахлоқ»нинг ахлоқсизлик вазунаси эканлиги жаҳонга ошқор бўлган бир замонда, «совет халқи» деган тугунча кўз ўнгимизда потраб, тарих гайримиллий, гайридиний бирликни аксарият ҳолларда рад этиб турганида бу оламнинг қадри-эътибори лаҳза сайин ортиб боради.

Ясавий ҳаётимизга ке-

вляни қайта нашо этиш бошланди. У ҳақда шеърлар, мақолалар тез-тез чиқа бошлади, роман босилиб чиқди. 1991 йилда Иброҳим Хаққулов, 1992 йилда Раҳимқулмуҳаммад Абдушукурров ва Маҳмуд Ҳасанилар «Девони Хикмат»ни нашрга тайёрладилар. У диссертациялар учун мавзу қилиб олинмоқда...

Бир қараганда, ҳаммаси яхши албатта. Лекин, кў-

риқатга кенг эътибор берди. Ошнинг борлигини сояси деб билди. Йимоннинг пўсти шарнат, ичи тарикат деб ҳисоблади. Ниҳоят уларнинг ҳаммасини олиб келиб ахлоққа боғлади. Шу тарз туркий дунени ахлоққа етказди. Дунё фоний бўлса, неъматлари фоний бўлса, одамлар бир-бирларини севсалар, ундан қудратли ва улуг бир куч йўқ деб ўргатди.

либ қолди. Ва бу аънава маълум даражада ҳозиргача давом этиб келади. Буни ҳисобга олмоқ лозим. Ясавий номи бугун бизга ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ, азиятқор бўлиб турибди. Бу ном тақдирнинг тақозоси билан Маширдан Мағрибгача ёйилган, замонда ўнлаб салтанатлар қурган ва бугун ҳам жаҳон онласида ўзининг бетакорр мавқеига эга бўлиб турган қон-қар-

ридларни унинг отига баъзи парчалар «Эиб тарқатмадиларми?» Бугун «Девони Хикмат»нинг ҳаммаси, ҳеч бўлмаганда, бир қисми сўнг замонда етишган мана шунақа шоғирдларнинг асарлари эмасми? Бугун илм дунёсида маълум «Девони Хикмат»ларини мана шундай шубҳалар остига қолдириш мумкин. «Девони Хикмат»нинг Ясавий замонига яқин бир замонда ёзилган бирор нусхаси топилмагунча бу шубҳаларин йўқотиш мумкин эмас. Бу шубҳалар дунёларга текширилган алмиий бир натижа чиқмайди.

«Девони Хикмат»ни кейинги ўн йилда икки дафъа нашр этган Намол Эр-Аслон ёзди: «Аҳмад Ясавий ҳикматлари ичидан жой олиб келатган «Девони Хикмат» аслида Аҳмад Ясавийнинг дарвешлари томонидан тартиб қилинган ҳикматлар бўлмайдир. «Девони Хикмат»нинг баъзи нусхаларида Аҳмад Ясавийнинг ҳикматлари билан бирга Ясавий дарвешларининг ҳам худди шу шаклда шайхларнинг ҳикматлари урайди. Улардан Аҳмад Ясавийга алоқадар тахаллуслар қўллангани, баъзи бирларда шайхнинг халфа ва муридлари ҳақида сўз юритилиши ёхуд унда бир неча аср кейин яшган шайхларнинг тилга олиниши бу ҳикматларнинг аслигига шубҳа туғдиради. Булардан қай бирининг Аҳмад Ясавийга тегишлилигини ҳисоблашнинг қийинлаштиради».

Шундай иштибоҳлардан бири бу йил Қайсар шаҳрида Эркин университетини таъсис билан ўтказилган халқаро Ясавий анжуманида профессор Машарратхо-

ни томонидан ўртага тушди. Ясавий-авлиё, эъларни, юртларни динге, диёнатга, ахлоққа етказган аот. Бунга шубҳа йўқ. У ҳикматларга ҳам муаллиф. Бунга ҳам шубҳа қилиб бўлмас. Лекин унинг номида келатганларнинг қанчаси бевосита унга тегишли, бу масала бор.

Бу ерда яна бир нозик жиҳатни кўзда тутиш лозим бўлади. Исломининг тарқалиш даврида шoirликнинг рутбаси у қадар баланд бўлган эмас. Ҳатто «Куръон»нинг «Шуаро» сурасида «шoirларга йўлдан озганлар эргашур» деган оят бор.

Ҳамкорлик талаб қилувчи масалалардан бири ҳикматларнинг танқидий матнини тузишдир. Умуман олганда, Ясавий тили маълум. Кўп-кўп 1918 йилда ёзган эди: «Бу хусусдаги узоқ тадқиқотларимизга кўра Аҳмад Ясавийнинг лаҳжасини «Кутадеу билиг» лаҳжасидан мулқо фарқсиз, яъни адабий «Ҳоқонийя туркчаси» деб ҳисоблай оламиз. Шунга қарамастан, «Девони Хикмат»нинг энг тўғри, энг ишончли нусхасини белгилаш керак. Бу илм учун го-ят муҳим. Бу жиҳатдан катта имконият бор. Биргина Шаршумул институтимиз фондида Ясавийнинг турли даврда кўчирилган 20 дан ортиқ нўлҳама, 30 дан ортиқ босма нусхалари бор. Хусусий кутубхоналарда-чи? Кўрапсизки, иш кўп. Ясавийнинг адабий сифатига тақдирини эса буларсиз боғлаб бўлмайди.

Бегали ҚОСИМОВ, Тошкент Давлат дорилфунунинг проректори, профессор.

## АХЛОҚИМИЗ МЕЪМОРИ

Йинги тўрт-беш йилда кинриб кела бошлади. 1990 йил 22—27 октябрда Қозғистоннинг Кентовида ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли бўйидаги маданий алоқалар» дастури доирасида «Ясавий олами» мавзуга бағишланган халқаро давра сўхбати бўлиб ўтди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган олимлар томонидан қирқдан ортиқ чиқиш тингланиб, муҳокама қилинди. Анжуман қатор қарорлар қабул қилди. Жумладан, Ясавий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишларини уюштириш ва бошқариш учун 7 кишилик халқаро қўмита тузилди. Ушбу халқаро анжумани ҳар йили мунтазам ўтказиб туриш, хусусан, 1991 йилда Анкарада Ясавий халқаро симпозиумини қаъриш, 1993 йилда «Ясавий йил» деб эълон қилиш ўшинда келишиб олинди.

Мамлакатимизда Ясса-

гилга гашлик соладитан жойи шундан, чаламуллалик (дилетантилик) учраётди, го-ҳо унга «тасавуф»ни «таасуф»дан фарқлай олмайди-ганлар кўл урмоқда. Иккинчидан, бундай муқаддас мавзуларга сал покизаланиб кўл урган маъқул. Шу жиҳатдан мен атеист файласуфларимизнинг бир думалаб диншунос бўлиб қолишларини эътиқод нунтан назардан тушуниб ета олмайман. Ва бундай ҳолларда истиғфор лозим деб биламан.

Ясавийни ўрганишни мантабадан бошлаш керак. Илоҳи борича, дин дарслари билан кўшиб олиб бориш лозим. Негани, Ясавий оламида дин ва дунё муҳирона қўшилган эди. Лекин унинг асосий қисмини кўпроқ диний унсурлар ташкил қилди. Ҳикматлар, «Куръон»-у «Халдсига таянгандир, У тасавуфий унсурларга, та-

Ясавийнинг адабий ҳизматлари ҳақида гал кетганида икки нарсани тилга олишни истар эдим.

1. Ясавийнинг турк-ислом шеърининг бошловчиларидан эканлиги.

2. «Хикмат»ни адабиётнинг янги, муқтаил адабий жанрга айлантирилганлиги. Дарвоқе, фикр, маъно (гарчи зийнат, оро ҳам гоят муҳим ўрин тутса-да), Шарқ шеърда қамиша биринчи ўринда турган. У кўпинча катта таъжирбадан келиб чиқувчи хулоса — ҳикмат бўлган. «Сўз гўдариға эрур онча шараф: Ким бўла олмас анга гавҳар садаф» деб ёзди Навоий «Сўз (бадий изод)» таърифида ва «Каломи фасх» билан ўзини тирилтириб «жонбахш» лақабини олган Масъуд (Исо)ни мисол келтирди. Пандҳикмат, эҳтимолки, мана шу, Ясавийдан эътиборан сўз (бадий ижоднинг жони бў-

лошларимиз билан боғланишида муҳим бир кўпик бўлиб турибди. Шу матнода у турк бирлигининг тисолларидандир. Бундай бирлик ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ, ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ бўлиб турибди.

Ясавий ижодини, шахсини, ҳаётини бевосита ўрганиш билан боғлиқ муаммоларимиз ҳам кам эмас.

Булардан бири ҳикматларга Ясавийнинг муаллифлиги масаласидир. 20-йилларда Муҳаммад Фуод Кўп-рулузода бир қатор тадқиқотларида бу муаммони ўртага қўйган эди. Аслини олсангиз, Навоий ҳам Ясавийнинг таъриф этганида шоирлигини, хусусан ҳикматлар муаллифи эканлигини тилга олмайди. Фитрат 1927 йилда «Бугун «Девони Хикмат»лардаги парча ҳақиқатдан Ясавийнингми? Ундан сўнгра давом этган шоғирдлари, му-

### "САОДАТ"

Биз мамлакатимиздаги давлат ҳамда, чет эл шунингдек хусусий фирма, кооператив ва бошқа турдаги корхоналарда тайёрланган маҳсулотларни, юртимиз ва ажнабий фуқароларнинг шахсий молларини эркин муомаладаги валюта ёки сўм ҳисобига сотиш, айрбошлашни чекланмаган миқдорда амалга оширишга кафолат берамиз.

**Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чорсу бозори, "САОДАТ" Тижорат - воситачи дўкони.**



### ЭЪЛОНЛАР

**"Ўзэкспомарказ"**

1993 йил 26-30 октябрда "Ўзэкспомарказ" Республика савдо-кўргазма марказининг 1-навильонида (собик ВДНХ) "Тошкент-93" - Тинч океани минтақаси мамлакатларининг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

Кўргазманинг иш соатлари: 10-17 гача  
Манзилимиз: Амир Темур кўчаси, 107 уй



**"Тошкент-93"**

### ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**I. БЎЛИМ МУДИРЛАРИ:** (фан докторлари)

- 1) Силни даволаш ва реабилитация этиш
- 2) Пульмонология
- 3) Касалликни асбоблар билан тасхишлаш
- 4) Экспериментал-лаборатория
- 5) Сил ва носпецифик ўпка касалликлари эпидемиологияси
- 6) Илмий экспедиция

**II. ЕТАҚЧИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАР** (фан докторлари)

- 1) Ўпка сили.
- 2) Ўпкдан ташқари аъзолар сили.
- 3) Иммунология.
- 4) Патоморфология.

**III. КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР** (фан докторлари еки фан кандидати).

- 1) Болалар сили.
- 2) Ўпка жароҳияси.
- 3) Пульмонология.
- 4) Касалликни асбоблар билан тасхишлаш.
- 5) Бактериология.
- 6) Эпидемиология.
- 7) Илмий экспедиция.

Танлов муддати бир ой.  
Илмгоҳ манзили:  
Тошкент шаҳри, акад. Ш. Алимов кўчаси, уй 1.  
Телефонлар: 78-04-70, 78-10-70.

### Хурматли Ўзбекистон фуқаролари!

"Ҳотамтай XXI аср" масъулияти чекланган жамияти ва "Наврўз" хайрия жамғармаси маълум қилади:

"Меҳрибонлик" суперлотереясини 1 минг ва ундан ортиқ сотиб олган кишилар 1993 йил 30 октябргача лотерея номер ҳамда серияларини қўйидаги ҳуқуқий манзилга маълум қилишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳар, Чилонзор, 26-квартал, 1<sup>6</sup> уй**  
**Ўзингиз билан паспортингиз ҳам бўлсин.**  
**Телефон: 75-93-19.**

Энг кўп билет сотиб олган шахсларга 3,2 ва 1 миллион сўм миқдорда совринлар белгиланган.

Корхона Тошкентдаги омборлардан шартнома асосида кальций карбидини сотади (фракцияси 25/80, ишлаб чиқарилган вақти -19.09.93 й., Темиртау маҳсулот).

Қишлоқ хўжалиги ҳамда консервация маҳсулотларига айрбошлаш ҳам мумкин.

**Телефон: 41-88-48, 44-01-74.**

### ЭНГ АРЗОН НАРХДА

"Тошкент" муҳандислик маркази "БОДРОК" (POPCORN) жўхори қовурғич аппаратини таклиф этади.

Фақат бизнинг аппаратларга қилган харажатларингизни 1-2 ойда чиқариб оласиз.

Телефонлар: 50-03-85, 50-05-90.  
Манзилимиз: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 10-а уй. (Жанубий вокзал олдида, "Гипролес" лойиҳа институти).

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тери-таносил касалликлари илмий таъшириш институти жамоаси собиқ директор

**Тўхтағулат ТОҶИБОВ**

вафоти муносабати билан унинг оиласига чўқур таъзия билдиради.

### ХАЛҚ СЎЗИ

### НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб), «Халқ сўзи», Эркин ВОҲИДОВ, Миралма Миралимов, Салоҳддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Халқ сўзи», Лев Пен (бош муҳаррир ўринбосари), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмед РИЗАЕВ, Алан сандр ТЮРИКОВ (масъул котиб), «Народное слово», Шавкат ЯҚЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадҷон ҚОРАБОВ, Сиддиқор ҒУЛОМОВ.

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир  
Х. Сатторов, набатчи  
Р. Жумасев.